



Бруней султонлигига якин орада халол озик-овкат махсулотларини текширадиган замонавий мослама пайдо бўлади. Ва у “Бруней Дорус Салом” илмий марказининг очилишидан сўнг, жорий йилнинг июль ойларида ишга кўшилади.

Саноат хамда хом аёш захиралари вазирлиги айни дамда Анггерек Десадаги бинони замонамизга тўлик мослаштириш устида фаолиятлар олиб бормокда. Сабаби ушбу бинода Халол лаборатория ташкил этилади. Бу хакда вазирликнинг Халол бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиги Кристалина Жалийл Марсал (Cristalina Jalil Marsal) “Иккинчи Халкаро Халол Билим ва инновацион махсулотларни ишлаб чикиш” мавзусида ўтказилган симпозиумда маълум килди.

Кристалинанинг сўзларига кўра, Халол Илмий Марказ нари борса июль ойида очилади. Саноат хамда хом аёш захиралари вазирлигининг доимий котибаси доктор Аванг Мухд Жамийл Ас-Суфрий (Awang Mohd Jamil Al-Sufri) илова килдики: Лаборатория энг янги асбоб-ускуналар билан жихозланади.

Ўтган иили Бруней хукумати Халол мухитда иш олиб бориш тўгрисида уч халкаро институт (ташкилот) ва бир хорижий компания билан меморандумлар имзолаган эди.

Жумладан, Флорида Давлат Университети хамда Осакадаги юкори мухандислик мактаби мазкур марказ учун Ислом меъёрлари бўйича халол ва харом махсулотлар таркибини аниклаб берадиган махсус ускуналар тайёрлашмокда.

Япония озик-овкат тадқикоти (Japan Food Research) ташкилоти Халол кизил бўёк (краситель) моддалар ва хуш таъм берувчи (ароматизатор)лар ишлаб чиқариш бўйича лойихада хам иштирок этади.

Энг ожиз банда